

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ГОЙАЛАРИ ВА УЛАРДА ИНСОН КАМОЛОТИ МАСАЛАЛАРИ

IDEAS OF RELIGIOUS TOLERANCE AND ISSUES OF HUMAN PERFECTION IN THEM

ИДЕИ РЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ И ВОПРОСЫ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ В НИХ

Нуриддинов Баходир Исобек угли

Тошкент ахборот технологиялари университети

Самарканд филиали ТТКТ факултети РИ 23-10 гуруҳ талабаси

Аннотатсия:

Ушбу мақолада ислом динининг бошқа динларга ва бошқа дин вакилларига булган дустона муносабати хақида суз борган. Мусулмонларнинг бошқа дин вакилларига ва уларнинг динига хурмат билан муносабатда булиши акс етган. Динлараро муносабатларда кейинги пайтда ишлатиш урф бўлган “диний бағрикенглик” тушунчаси ва сўз бирикмасига бироз эътироз бор. Чунки бу сўз бирикмаси исломга ҳам инсоф қилмайди ва аҳли зимматга ҳам хурмат кўрсатмайди. Бу фикримни тушунтиришга ҳаракат қиламан. “Бағрикенглик” араб тилидаги “тасамух” сўздан олинган бўлиб, у мурувватли бўлиш, илтифот ва шафқат кўрсатиш асносида ҳақдан кечиш маъносини англатади. Бундай ҳақдан кечиш Аллоҳнинг ҳақларига тегишли ҳукмларда мавжуд. Балки инсон ўзини Аллоҳнинг ҳақлари олдида бағрикенгликнинг, яъни Аллоҳнинг ўз бандаларидан фазли ва эҳсони ила ҳақларидан кечишлигининг кенг майдони узра тургандек кўради. Агар ибодатлар ҳукмларига қарасангиз уларнинг қанчадан қанча рухсат ва ҳақни кечиш билан ихоталанганини кўрасиз. (Бунга касаллик ва мусофирликда жума намози фарз, ҳайит намозлари вожиб бўлмаслиги, мусофирликда намоз қаср ўқилиши ва рўза тутиш ихтиёрийлиги, маҳсига масҳ тортиш муддатининг 3 кунга чўзилиши, ёки сув топилмаганда таяммум қилиниши, киши вафот қилганда Аллоҳдан бўлган намоз, рўза каби қарзлари унинг қолидрган молидан адо қилинмаслиги каби ва булардан бошқа минглаб масалалар мисол бўлади.

«Бағрикенглик» сўзи диярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга. Уларни умумлаштириб «бағрикенглик»



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

чидамлилик, бардошлик, тоқатлилик, ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мурувватлилик, ҳимматлилик, кечиримлилик, меҳрибонлик, ҳамдардлик каби маъноларга эга дейиш мумкин. «Бағрикенглик» чинакам исломий фазилат бўлиб, араб тилида «Самааҳатул ислам» дейилади. Исломнинг бағрикенглигини биз ҳазрати Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шахсий намуналарида тўлиқ ва равшан кўришимиз мумкин. Зеро, умуман рисолатнинг мақсади, асосий вазифаси одамзотнинг бу дунёдаги ҳаётини енгиллатиб бериш, охиратда эса абадий роҳат маконидан ўрин олишига ёрдам беришдир. Шунинг учун Қуръони Каримнинг услубига қарасак, ўқиганимизда баъзан мўминларнинг қалбини жунбушга келтирувчи, уларнинг диққатларини муҳим бир масалага қаратувчи хитоб билан бошланган ояти карималарни кўп учратамиз. Бу оятларда «Йаа айюҳаллазийна аамануу», «Эй иймон келтирганлар!» деган буюк хитоб билан бошланади. Демак, бу хитоб билан бошлаган оятларда айнан мўмин-мусулмонларга тегишли масалалар келган бўлади. Аммо Каломуллоҳнинг қолган барча оятлари умуминсоний, умумбашарий кўрсатмалар бўлиб, уларда динидан, ирқидан, жинсидан қатъи назар, Бани Одам назарда тутилади.

Хур диёримиз фуқаролари мустақиллик шароитида эркин нафас олаётганликларидан Аллоҳ таолога чексиз миннатдорлик изҳор қилиб, доимий равишда шукроналар қилмоқдалар. Ватанимиз мустақиллиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб, Ўзбекистонимиз ҳалқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш даражаси, эл-юрт фаровонлиги янада раванқ топмоқда. Айниқса, ҳукуматимиз раҳбарияти диний маросимларини, ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун лозим бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Мустақиллик йилларида ўзининг таркиби ва мазмуни жиҳатидан хилма-хил миллат, маданиятлар бирлигидан ташкил топган жамиятимизда ҳам миллатлараро тотувликни сақлаш, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ва бағрикенглигини таъминлаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Динимизнинг бағрикенглик фазилатини ўрганар эканмиз, гап бориб аслида одоб-ахлоққа бориб тақалишини кўрамиз. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, динимизда ғайриддинларга, хусусан, насронийларга, яҳудийларга кескин муомала қилиш, душманчилик қилиш мумкин эмас экан.

Ҳақли саволлар туғилади: ундай бўлса нима учун бугун биз мусулмон биродаримиз билан урушяпмиз? Нима учун мусулмон мусулмонни



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

бўғизлаяпти, мусулмон мусулмоннинг қонини тўқяпти? Нима учун бугун дунёнинг қаерида уруш бўлса, мусулмонлар орасида бўляпти? Минг афсуски, бу каби саволларнинг жавоби битта: Буларнинг барчаси Ислоннинг асидан узоклашиш оқибатидир. Бир пайтлар мусулмонлар ўзларининг гўзал ахлоқлари билан бутун дунёнинг Ислонга киришига сабаб бўлганлар.

Шайх Ғаззолийнинг бир фикрларини айтиб ўтиш ўринлидир: «Бугунги кунда диндорларнинг айби туфайли дунёнинг ярми мусулмон эмас. Худди шунингдек, тариқатда ҳам сохта, жоҳил пирлар одамларнинг тариқатдан кўрқилишига, тасаввуфдан ихлоси йўқолишига сабабчи бўлиб қолишди», яъни мусулмонлар ўзларининг ёмон ахлоқлари, ёмон феъллари билан одамларда Ислонга нисбатан ёмон тушунча ҳосил қилиб қўйдилар. Натижада одамлар Ислондан кўрқадиган бўлишди, исламофобия юзага келди. Бу киши барчага маълум ва машҳур Абул Ғамид Ғаззолий эмас, балки Мисрда, шайх Шаъровийлар билан бир даврда яшаган Муҳаммад Ғазалий роҳимахуллоҳдир. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бутун одамзотга яхши муомала қилишга буюрганлар. Демак, динимизнинг жавҳари, асл моҳияти инсон зотини севишдир. Ҳар бир инсон Аллоҳнинг йўқдан бор қилган, яратган бандасидир. Бинобарин, инсоннинг жисмида, табиатида ҳеч қандай фарқ йўқ, аммо гап унинг сифатида. Гуноҳкор инсоннинг бири кофир, бири мунофиқ, бири мушрик, бири фосиқ, бири фожир, бири қотил, бири ғийбатчи, бири ёлғончи, бири харомхўрдир.

Динимизда бағрикенгликни шундай тушуниш лозимки, унда инсон тугул ҳайвонга ҳам озор бериш йўқ, ҳайвон тугул набототга бесабаб зарар етказиш йўқ. Ҳатто урушда, инсон ҳаётига ҳавф туғилиб турган вазиятда ҳам боғроғларни бекорга йўқ қилишдан, дарахтларни беҳуда кесишдан қайтарилган. Шунинг учун ҳам бугунги мураккаб даврда ўз ахлоқимиз билан динимизнинг бекиёс фазилатларини намоён қилиш биз мусулмонларнинг зиммамизда фарз бўлиб турибди. Бугунги дунёда Ислон ҳақида, мусулмонлар ҳақида нотўғри тушунча шаклланиб қолган. Динимизга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаънларига тухмат, таъна-маломат тошлари отилмоқда. Бу даъволарга раддия бериб, уларнинг пуч, асосиз эканини исботлаш, дунё афкор оммасининг кўзига асл ҳақиқатни кўрсатиб қўйиш, динимизнинг шаънини оқлаш зиммамиздаги энг муҳим фарз бўлиб турибди. Шунинг ўзи Ислонга энг гўзал, энг таъсирли даъват бўлади.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Ҳар бир инсон, бутун жамият ўзаро муносабатларни халқларнинг турлитуман урф одатлари, маданияти ва қадриятларини тан олган ҳолда бағрикенглик асосига қуриши зарур. Зеро, тинч-тотувлик, бағрикенглик тараққиёт гаровидир.

Аллоҳ ғайридинларга нисбатан яхшилик қилишни ва адолат қилишни буюради: "Аллоҳ дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқармаган кимсалардан, уларга яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингиздан қайтармас. Албатта Аллоҳ адолат қилгувчиларни севади.

Бу ерда гап фақат диний бағрикенгликда бораётгани йўқ, адолат тўғрисида, хатто ҳар бир мусулмоннинг одоби асосида ётадиган ижтимоий-ахлоқий қоидаларга асосан яхшилик қилиш тўғрисида ҳам боряпти. "Яхшилик" (бирр) араб тилида кенг маънони билдиради: Пайғамбар сав бу сўздан фойдаланиб ота -онага яхшилик қилишга буюрадилар. Шундай қилиб Исломда ўз ота-онасига нисбатан яхшилик қилганидек ғайридинларга нисбатан ҳам яхши муомала қилишни буюрилади.

Фақат ғайри динлар томонидан зулм бўлса мусулмонларни куч билан диний эркинлик ҳуқуқлари, ва бошқа зарурий ҳуқуқларидан маҳрум қилишга ҳаракат қилинса, мусулмон унга қарши ҳаракат қилиши мумкин. Фақат динини, ҳаётини, эркини, обрўсини, мулкини ҳимоя қилишга зарур миқдорда қарши ҳаракат бўлиши лозим.

Мусулмонлар ичида сирдош дўст тутманглар чақирғини Қуръонда йўқ, ёмон кўринглар деб шарҳлайдиган муаллифлар ҳам бор. Ушбу оятларни тафсир қилишда, бошқа динлар вакиллари билан, насронийлар ва яҳудийларни ҳам кўшиб ёмон кўриш ва душман тутиш лозим деб шарҳланса, бу шарҳловчи Муқаддас Китобнинг бошқа оятларига ва Пайғамбар Суннатларга тўғрида-тўғри қарши чиққан бўлади. Лекин Қуръонда ҳеч қандай қарама-қаршиликлар бўлиши мумкин эмас. Бу тўғрида Аллоҳнинг ўзи яҳудий ва насронийларга мурожаат қилиб: "Қуръонни тадаббур этиб кўрмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқанинг хузуридан бўлганда, ундан кўп ихтилофлар топар эдилар"

Қуръонда яҳудий ва насронийларга алоҳида муносабат билдирилади. Улар "аҳл-ул-Китоб" яъни "Китоб аҳллари (китоб нозил қилинганлар) деб аталади. Китоб аҳлларига Ислом оламида яшайдиларми ёки ундан ташқарида яшайдиларми дўстона муомала қилиш лозим бўлади. Аллоҳнинг уларга "Эй китоб аҳллари" ва "Эй Китоб эгалари"деб мурожаат қилиши улар аввалдан



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

битта ва ягона яккахудолик пайғамбарлари динига тааллуқли эканликларини билдиради.

Мусулмоннинг ҳаёти фаровон бўлиши учун нафақат ўзи балки ён атрофидаги ёру дўстлари ҳам мустаҳкам имонли ва юксак илм эгаси, бағрикенг бўлиши лозим. Мустақил ўлкамиз – Ўзбекистонда 130 га яқин миллат вакиллари турли динларга эътиқод қилувчи халқлар бўлиб, алҳамду-лиллаҳ, тинч-омон, аҳил-иноқ яшаб келмоқдалар. Ана шу эзгулик ва тинчлик-осойишталик омили бўлган диний бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга диёримизда алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳақиқатан ҳам, юртимизда хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир заминда, бир ватанда, буюк ғоя ва соф ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашлиги – диний бағрикенгликни ёрқин намунаси.

Аллоҳ таоло ер юзида турли миллат ва элатларни, турли ҳил тилларда сўзлашувчи халқларни яратишининг хикматларидан бирини бундай баён этади: “Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво) дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат) лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир” (Ҳужурот сураси 13-оят).

Бағрикенглик борасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ислом умматигагина эмас, бутун инсониятга ибрат-намуна бўлдилар. У зот Мадинага хижрат қилганларида давлат ишларидаги биринчи амаллари ўша ерлик яҳудийлар билан уларнинг ақидаларини ҳурмат қилишга асосланган аҳднома тузиш бўлди. Жаноб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳли китобдан бўлган қўшнилари билан яхши муносабатда бўлар, ҳадя бериб, улардан ҳам қабул қилардилар. Мадинага Ҳабашистон насронийларининг вакиллари келганида, уларни масжидга тушириб зиёфат бердилар ва хизматларини қилдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларида бундай воқеликлар жуда ҳам кўп содир бўлган. рикенглик борасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ислом умматигагина эмас, бутун инсониятга ибрат-намуна бўлдилар. У зот Мадинага хижрат қилганларида давлат ишларидаги биринчи амаллари ўша ерлик яҳудийлар билан уларнинг ақидаларини ҳурмат қилишга асосланган аҳднома тузиш бўлди. Жаноб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳли китобдан бўлган қўшнилари



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

билан яхши муносабатда бўлар, ҳады бериб, улардан ҳам қабул қилардилар. Мадинага Ҳабашистон насронийларининг вакиллари келганида, уларни масжидга тушириб зиёфат бердилар ва хизматларини қилдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларида бундай воқеликлар жуда ҳам кўп содир бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://islom.uz/maqola/2407>
2. <https://islom.uz/maqola/3624>
3. <https://islom.uz/maqola/3726>
4. <https://muslimun.uz/iclomda-ba%D2%93rikenglik-macalaci>
5. Samatov K. Issues Naqshbandi teaching peace and harmony in society //Theoretical & Applied Science. – 2016. – №. 2. – С. 175-179.
6. Samatov, Khurshid. "Issues Naqshbandi teaching peace and harmony in society." Theoretical & Applied Science 2 (2016): 175-179.
7. Samatov, K. (2016). Issues Naqshbandi teaching peace and harmony in society. Theoretical & Applied Science, (2), 175-179.
8. Ulmasjonovich K. S. Mystical and philosophical foundations of human interaction. – 2021.
9. Ulmasjonovich, Khurshid Samatov. "Mystical and philosophical foundations of human interaction." (2021).
10. Ulmasjonovich, K. S. (2021). Mystical and philosophical foundations of human interaction.
11. Ulmasjonovich K. S. Mystical and philosophical foundations of human interaction (based on the teachings of makhdumi Azami Kasani) //European Scholar Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 45-48.
12. Ulmasjonovich, Khurshid Samatov. "Mystical and philosophical foundations of human interaction (based on the teachings of makhdumi Azami Kasani)." European Scholar Journal 2.11 (2021): 45-48.
13. Ulmasjonovich, K. S. (2021). Mystical and philosophical foundations of human interaction (based on the teachings of makhdumi Azami Kasani). European Scholar Journal, 2(11), 45-48.

